

**“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти  
оддий акцияларига эга Ягона акциядорининг 3-сон**

**Қ А Р О Р И**

2024 йил “26” июнь

Тошкент шаҳри

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар **84 680 814 487** (саксон тўрт миллиард олти юз саксон миллион саккиз юз ўн тўрт минг тўрт юз саксон етти) дона оддий акцияларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади ва унга бир қатор корхоналар ва тижорат банкларни ислоҳ қилиш ваколатлари ва вазифалари юклатиласкан.

Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан “Strikitsa Consulting” халқаро консалтинг компанияси жалб қилинган ҳолда давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибига малакали мустақил аъзолар жалб қилинди ҳамда кузатув кенгашларнинг янги таркиблари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилди (2024 йил 10 июнданги 03/1-1911-сонли кўрсатма).

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий ийғилишининг ваколат доирасига киради.

Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг Ягона акциядори қарор қиласди:

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва операцион самарадорлигини ошириш мақсадида, жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари қўйидаги таркибда корхонанинг Уставида белгиланган муддатга сайлансин:

T/p	Кузатув кенгаши аъзолари	Иш жойи
1	Кудбиев Ш.Д.	Давлат солиқ қўмитаси
2	Рахимова.Г.Х	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
3	Миралиев А.Э.	Давлат активларини бошқариш агентлиги
4	Ниматуллаев И.А.	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси
5	Raupov A.A.	Энергетика вазирлиги
6	Andrew Moncur	Мустақил аъзо
7	Fatma Utam	Мустақил аъзо

2. Мазкур қарор ижросини таъминлаш “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви ижро органи зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазири  
ўринбосари

Х.Б. Мустафаев